BEXHAN VETERINARY

«Боходиров Элёрхон Хасан ўғли» ХК
Косон, Қашқадарё вилояти, Ўзбекистон

МАҲСУЛОТЛАР КАТАЛОГИ 2026

Ҳайвонлар соғлиғи учун табиий ва самарали ечимлар

Гиёҳли препаратлар, озуқа қўшимчалари, спрейлар ва зоогигиена воситалари ишлаб чиқарувчиси. 2004 йилдан бери чорвадорлар хизматида.

















Гиёҳли препаратлар
Han-V8 · настойкалар

Озуқа қўшимчалари
ВИТА-ТОКС · балиқ мойи

Ветеринария спрейлари
OKSI Sprey 3,5%

Зоогигиена
HAN-BO'RON

2004 йилдан бери

+998 91 526 57 87 · elyor.baxodirov@bk.ru · Telegram @agro_vet_koson

БИЗ ҲАҚИМИЗДА

BEXHAN Veterinary

«Боходиров Элёрхон Хасан ўғли» хусусий ветеринария корхонаси **2004** йилда Қашқадарё вилояти Косон шаҳрида иш фаолиятини бошлаган. Кўп йиллар давомида асосий фаолиятимиз ветеринария дориларини сотиш ва аҳоли молларини даволаш бўлган.

2010 йилдан бошлаб ўз ветеринария маҳсулотларимизни ишлаб чиқарамиз: гиёҳли препаратлар, озуқа қўшимчалари ва спрейлар.

МАҚСАДИМИЗ

Ҳайвонлар соғлиғи учун ишончли ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

20+	10	2	100%
йиллик тажриба	ўз маҳсулотимиз	авлод ветврачлар	фермада синалган

БОСИБ ЎТГАН ЙЎЛИМИЗ

2004
Корхонага ветврач Тураев Ҳасанхон асос солди. Ветеринария дорихонаси ва молларни даволаш.

2010
Ўз ветеринария маҳсулотларимизни ишлаб чиқариш бошланди.

2016
«Ўзбиокомбинат» (BIVECO)нинг Қашқадарё вилояти бўйича расмий дилери.

2022
ВИТА-ТОКС озуқа қўшимчалари линияси.

2026
Han-V8 табиий фитокомплекси.

ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармаси лицензияси асосида:

- ветеринария препаратлари ва дори воситалари
- озуқа қўшимчалари
- зоогигиена воситалари ва ветеринария атрибутлари
- ветеринария даволаш-профилактика ишлари

ИМПОРТ

Ўз ишлаб чиқаришимиздан ташқари импорт қиламиз:

- Хитойдан ветеринария дорилари
- Хитойдан агро маҳсулотлар
- Ҳиндистондан ветеринария дорилари (2027 йил февралидан)

ЯНГИ · ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИМИЗ

Han-V8

Иммунитет ва тикланиш учун фитокомплекс

Қорамол, қўй, эчки ва товуқлар учун



- **Иммунитетни қўллаб-қувватлайди**
- **Нафас йўллари саломатлигини қўллаб-қувватлайди**
- **Иштаҳани яхшилашга ёрдам беради**
- **Организм тикланишини қўллаб-қувватлайди**

АМАЛИЁТДАГИ НАТИЖАЛАР

Фермаларимизда вирусли касалликлар даврида — **нодуляр дерматит**, **оқсил** ва **туёқ чириши** касалликларида — жуда самарали натижа берди. Иммунитетни оширади, профилактика ва касаллик вақтида организмни қўллаб-қувватлаш учун ишлатилади. **Антибиотиксиз, табиий таркиб.**

Эмлаш ва ветеринар врач тавсия қилган даволаш билан бирга қўлланилади.

ТАРКИБИ

Асосий табиий ўсимликлар: **Банланген** (Isatis илдизи), **Лянцяо** (Forsythia меваси), **Хуанцин** (Scutellaria илдизи), **Хуанци** (Astragalus илдизи) ҳамда махсус таркибдаги бошқа доривор ўсимликлар.

ДОЗАСИ ВА ҚЎЛЛАШ

ҲАЙВОН	ВАЗНИ	БИР МАРТАЛИК ДОЗА
Қорамол	200–300 кг	**300 мл**
Қорамол	300–500 кг	**500 мл**
Қўй ва эчкилар	30–50 кг	**50–100 мл**
Товуқлар	—	**1 л сувга 20 мл**

Қорамол, қўй ва эчкилар: кунига 2 маҳал, 3 кун давомида.
Товуқлар: ичимлик сувига қўшиб, 3 кун давомида.
Гуруҳда: катта ҳажмдаги ичимлик сувига қўшиб берилади; гуруҳ учун катта қадоқлар буюртма асосида тайёрланади.

ҚАДОҒИ
500 мл флакон, ичириш учун эритма

САҚЛАШ
+5…+25 °C, қуруқ ва салқин жойда, қуёш нуридан асранг

ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
24 ой

ТС BY 193749348.197/7302-002:2025 · Болалардан узоқроқ жойда сақлансин.

ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИМИЗ

Табиий гиёҳли настойка

Ҳазмланиш ва иштаҳа очиш учун

Қорамол, бузоқ, қўй ва эчкилар учун



- Иштаҳани кучайтиради
- Ҳазм фаолиятини яхшилайди
- Дам (газ) йиғилишини камайтиради
- Кавш қайтаришни рағбатлантиради
- Стрессдан кейин иштаҳа пасайганда

ТАРКИБИ

Зира, арпабодиён, кашнич уруғи, ялпиз, ромашка, қора зира, имбир, тимьян, ширинмия илдизи, саримсоқ кукуни, долчин ва қўшимча воситалар.

ҚЎЛЛАНИЛИШИ

- Катта қорин (рубец) атонияси ва гипотониясида, кавш қайтариш сусайганда
- Енгил тимпанияда (газ йиғилганда)
- Озуқа алмаштирилганда ҳазм бузилишида
- Касалликдан ва антибиотик курсидан кейин ҳазм ва иштаҳани тиклаш учун
- Ортиқча ем еб қўйгандан кейин енгил ҳазм бузилишида

Кучли тимпания ва ацидозда ветеринар врач назоратида ёрдамчи восита сифатида қўлланилади.

ДОЗАСИ ВА ҚЎЛЛАШ

Қорамол	Бузоқ	Қўй ва эчки
300–500 мл	**100–200 мл**	**50–100 мл**

Оғиз орқали ичирилади.
Оғир ҳолатларда: кунига 2 марта, 2 кун давомида.
Ошқозон касалликларида ва ҳазм фаолияти сусайганда: 3 кун давомида.

ҚАДОҒИ	САҚЛАШ	ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
500 мл флакон	Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, ёпиқ идишда, 0–25 °C	24 ой

ТС ва ТУ рақами: 19747032-002:2026 · Фақат ветеринарияда қўллаш учун.

ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИМИЗ · КОНЦЕНТРАТ

Табиий гиёҳли настойка

Кучайтирилган формула · 50 мл

Қорамол, бузоқ, қўй ва эчкилар учун



- Иштаҳани кучайтиради
- Ҳазм фаолиятини яхшилайди
- Газ йиғилишини камайтиради
- Оғир емдан кейин
- Стрессдан кейин иштаҳа пасайганда

КУЧАЙТИРИЛГАН ФОРМУЛА

Таркибига **аччиқ шувоқ** қўшилган. Шу сабабли 500 мл ли настойкага нисбатан **анча кам дозада** худди шундай таъсир кўрсатади. Кичик ва қулай 50 мл қадоқ.

ТАРКИБИ

Кашнич уруғи, шивит уруғи, арпабодиён уруғи, аччиқ шувоқ ва қўшимча моддалар.

ҚЎЛЛАНИЛИШИ

- Енгил тимпанияда (газ йиғилганда)
- Озуқа алмаштирилганда ҳазм бузилишида
- Касалликдан ва антибиотик курсидан кейин ҳазм ва иштаҳани тиклаш учун
- Ортиқча ем еб қўйгандан кейин енгил ҳазм бузилишида

Кучли тимпания ва ацидозда ветеринар врач назоратида ёрдамчи восита сифатида қўлланилади.

ДОЗАСИ ВА ҚЎЛЛАШ

Қорамол	Бузоқ	Қўй ва эчки
20–30 мл	**15–20 мл**	**5–10 мл**

Оғиз орқали, **сувга қўшмасдан, тўғридан-тўғри** ичирилади.
Енгил ҳолатларда: 1 кун. **Оғир ҳолатларда:** 3 кун давомида.

ҚАДОҒИ	САҚЛАШ	ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
50 мл флакон	Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, ёпиқ идишда	2 йил

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган · Фақат ветеринарияда қўллаш учун.

ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИМИЗ

OKSI Sprey 3,5%

Антибактериал спрей · ташқи қўллаш учун

Қорамол, қўй ва эчкилар учун



- Кенг спектрли антибактериал таъсир
- Тери ва шиллиқ қават учун хавфсиз
- Ишланган жой кўк рангга бўялади
- Гўшт ва сут учун кутиш муддати йўқ

ТАРКИБИ

Таъсир қилувчи модда: окситетрациклин гидрохлорид — 3,5% (35 мг/мл).
Ёрдамчи моддалар: этил спирти 96%, пропиленгликол, глицерин, PVP K30, калий сорбат, кристалл виолет (генциан виолет), тозаланган сув.

ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Окситетрациклинга сезгир микроорганизмлар қўзғатган ёки улар билан асоратланган юза инфекцияларни даволаш ва олдини олиш учун:

- Қорамолда туёқ оралиғи ва бармоқ дерматити, туёқ касалликлари
- Қўй ва эчкиларда туёқ чириши ва туёқ оралиғи яллиғланиши
- Юза жароҳатлар, тирналишлар, кесилган жойлар
- Операциядан кейинги жароҳатлар (кастрация, шох кесиш, қулоққа бирка тақиш)
- Киндик яллиғланиши ва бошқа тери инфекциялари

ҚЎЛЛАШ УСУЛИ

Ишлатишдан олдин яхшилаб чайқатинг. Жароҳатни кир ва йирингдардан тозаланг. Спрейни 15–20 см масофадан 3–5 сония давомида, жой бир текис кўк рангга бўялгунча сепинг. Туёқ касалликларида туёқни аввал тозалаб, кейин ишланг. Кунига 1–2 марта, тузалгунча қўлланилади.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Фақат ташқи қўллаш учун. Кўзга ва кўз атрофига сепманг. Ишлатганда қўлқоп кийинг, кейин қўлни ювинг. Олов яқинида ишлатманг. Болалардан узоқроқ жойда сақланг. **Гўшт ва сут учун кутиш муддати йўқ (0 кун).**

ҚАДОҒИ	САҚЛАШ	ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
100 мл ва 200 мл	Қуруқ, салқин, ёруғликдан ҳимояланган жойда	2 йил

ОЗУҚА ҚЎШИМЧАСИ

Балиқ мойи

Рыбий жир · А ва D витаминлари, омега-3



Қорамол, от, қўй, эчки, ит, мушук ва парранда учун

- **А ва D витаминлари манбаи**
- **Ёш ҳайвонлар ўсиши ва ривожланиши**
- **Суяк ва бўғимлар мустаҳкамлиги**
- **Иммунитетни қўллаб-қувватлайди**

ТАРКИБИ

Балиқ мойи (Россияда ишлаб чиқарилган концентрат), ўсимлик мойи ва ёрдамчи моддалар. Таркибида табиий А ва D витаминлари ҳамда тўйинмаган ёғ кислоталари (омега-3) бор.

ҚЎЛЛАНИЛИШИ

- А ва D гиповитаминози ва авитаминозининг олдини олиш ва даволаш
- Ёш ҳайвонларда рахит, катта ҳайвонларда остеомаляциянинг олдини олиш
- Ёш ҳайвонлар ва жўжаларнинг ўсиши ва ривожланишини яхшилаш
- Бўғоз ҳайвонларда ҳомила ривожланишини қўллаб-қувватлаш
- Иммунитетни ва умумий ҳолатни мустаҳкамлаш
- Ташқи: тери шикастланишлари ва жароҳатлар битишини тезлаштириш

ДОЗАСИ ВА ҚЎЛЛАШ

Сигир **100–200 мл**	От **40–100 мл**	Қўй ва эчки **20–50 мл**	Ит **10–30 мл**
Мушук **5–10 мл**	Парранда **2–5 мл**	Жўжалар **0,3–0,5 мл**	

Бир бошга, оғиз орқали берилади. **Ташқи қўллашда:** боғламлар балиқ мойи билан ҳўлланади ва шикастланган жойлар суртилади.

ҚАДОҒИ
100 мл ва 1 л

САҚЛАШ
Қуруқ, салқин, ёруғликдан ҳимояланган жойда

ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
2 йил

ОЗУҚА ҚЎШИМЧАСИ · ГЕРМАНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ВИТА-ТОКС

+ трикальций фосфат · 1 маҳсулот — 6 фойда

Соғин сигирлар, бузоқлар ва қўзилар учун



- Маҳсулдорликни оширади
- Микотоксинларни камайтиради
- Зарарли бактерияларни камайтиради
- Моғорни камайтиради
- Инфекция тарқалишини камайтиради
- Суяк учун кальций ва фосфор

ТАРКИБИ

• **Табиий гил (глина) — алюминий силикати:** асосий компонент, микотоксинлар ва зарарли моддаларни ўзига бириктириб, организмдан чиқаради
• **Turbo Tox®** (XVET, Германия): бир неча ўсимликдан олинган фаоллаштирилмаган хамиртуруш экстракти, органик кислоталар аралашмаси
• **OregoPlus® Dry** (XVET, Германия): орегано, тоғ райҳони (тимьян), чой дарахти ва арпабодиён эфир мойлари
• **Трикальций фосфат** ва ёрдамчи компонентлар

ТАЪСИРИ ВА ФОЙДАСИ

• Вазн ортиши, сут ва гўшт маҳсулдорлигини оширади
• Хушбўй ҳиди ҳайвонни ўзига жалб қилади, иштаҳани очади
• Ичак саломатлиги ва ўсиш учун синергетик формула; антибиотиклардан фойдаланишни камайтиради
• Ичак иммун тизимини фаоллаштиради, тезак чиқишини яхшилайди
• Эфир мойлари Salmonella ва Clostridium каби микробларга қарши таъсир кўрсатади
• Трикальций фосфат суяк ва туёқ учун кальций ва фосфор беради

ДОЗАСИ ВА ҚЎЛЛАШ

Соғин сигир	Бузоқ	Қўй ва қўзи
20–30 г/кун	**10–15 г/кун**	**5–7 г/кун**

1 кг ВИТА-ТОКС 100 кг омухта емга аралаштирилади ёки ҳар бир бошга ем устига сепиб берилади. Экструзия ёки грануляциядан аввал қўшилади. **Ойига 7–10 кун давомида берилади.** Тўхтовсиз берилса ҳам зарари йўқ.

ҚАДОҒИ	САҚЛАШ	ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
1 кг қути · 5 кг қоп · 3 кг челак (буюртма асосида)	Қуруқ, салқин, ёруғликдан ҳимояланган жойда	5 йил

ТС 19747032-001:2025 · Ўзбекистонда Германия технологияси асосида ишлаб чиқарилган.

ОЗУҚА ҚЎШИМЧАСИ · ГЕРМАНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ВИТА-ТОКС

Вазн ошириш ва гўшт сифатини яхшилаш

Бўрдоқига боқиладиган қорамол ва қўйлар учун



- Вазн ошишини тезлаштиради
- Иштаҳани очади, хушбўй ҳид жалб қилади
- Микотоксинларни камайтиради
- Зарарли бактерияларни камайтиради
- Моғорни камайтиради
- Инфекция тарқалишини камайтиради

ТАРКИБИ

• **Табиий гил (глина) — алюминий силикати:** асосий компонент, микотоксинлар ва зарарли моддаларни ўзига бириктириб, организмдан чиқаради
• **Turbo Tox®** (XVET, Германия): бир неча ўсимликдан олинган фаоллаштирилмаган хамиртуруш экстракти, органик кислоталар аралашмаси
• **OregoPlus® Dry** (XVET, Германия): орегано, тоғ райҳони (тимьян), чой дарахти ва арпабодиён эфир мойлари
• **Премикслар**, **аскорбин кислотаси (С витамини)**, **трикальций фосфат**
• Иштаҳа очувчи махсус доривор ўсимликлар ва ёрдамчи компонентлар

ТАЪСИРИ ВА ФОЙДАСИ

• Кунлик вазн ортишини тезлаштиради, гўшт сифатини яхшилайди
• Хушбўй ҳиди ҳайвонни ўзига жалб қилади, иштаҳани кучли очади
• Ичак саломатлиги ва ўсиш учун синергетик формула; антибиотиклардан фойдаланишни камайтиради
• Озуқани моғор ва микотоксинлардан ҳимоя қилади
• С витамини стрессга чидамликни оширади; трикальций фосфат суяк учун кальций ва фосфор беради

ДОЗАСИ ВА ҚЎЛЛАШ

Қорамол (бўрдоқи)	Қўй (бўрдоқи)
10–20 г/кун	**5–7 г/кун**

1 кг ВИТА-ТОКС 100 кг омухта емга аралаштирилади ёки ҳар бир бошга ем устига сепиб берилади. Экструзия ёки грануляциядан аввал қўшилади. **Ойига 7–10 кун давомида берилади.** Тўхтовсиз берилса ҳам зарари йўқ.

ҚАДОҒИ	САҚЛАШ	ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
1 кг қути · 5 кг қоп · 3 кг челак (буюртма асосида)	Қуруқ, салқин, ёруғликдан ҳимояланган жойда	5 йил

ТС 19747032-001:2025 · Ўзбекистонда Германия технологияси асосида ишлаб чиқарилган.

ОЗУҚА ҚЎШИМЧАСИ · ГЕРМАНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ВИТА-ТОКС

Паррандалар учун · + трикальций фосфат

Жўжа, товуқ, ўрдак, ғоз, курка ва бошқа паррандалар учун



- Вазн, тухум ва гўшт сифатини оширади
- Маҳсулдорликни кучайтиради
- Микотоксинларни камайтиради
- Зарарли бактерияларни камайтиради
- Моғорни камайтиради
- Инфекция тарқалишини камайтиради

ТАРКИБИ

• **Табиий гил (глина) — алюминий силикати:** микотоксинлар ва зарарли моддаларни ўзига бириктириб чиқаради
• **Turbo Tox®** ва **OregoPlus® Dry** (XVET, Германия): хамиртуруш экстракти, органик кислоталар; орегано, тимьян, чой дарахти ва арпабодиён эфир мойлари
• **Витаминлар**, **трикальций фосфат** ва ёрдамчи моддалар

ТАЪСИРИ ВА ФОЙДАСИ

• Жўжалар ва бройлерларда вазн ортишини тезлаштиради, гўшт сифатини яхшилайди
• Товуқларда тухум беришни ва тухум сифатини оширади; трикальций фосфат тухум пўчоғи ва суяк учун кальций ва фосфор беради
• Колибактериоз, сальмонеллёз ва эймериоз профилактикасида ёрдам беради; эмлаш олди ва кейинги стрессни камайтиради
• Ичак саломатлиги ва иммунитетни қўллаб-қувватлайди, антибиотиклардан фойдаланишни камайтиради

ДОЗАСИ ВА ҚЎЛЛАШ

1 кг ВИТА-ТОКС — 100 кг емга. Ем билан яхшилаб аралаштириб берилади. Экструзия ёки грануляция жараёнидан аввал қўшилади.

ҚАДОҒИ	САҚЛАШ	ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
1 кг · 5 кг · 3 кг челак (буюртма асосида)	Қуруқ, салқин, ёруғликдан ҳимояланган жойда	5 йил

Ўзбекистонда Германия технологияси асосида ишлаб чиқарилган.

ИНСЕКТИЦИД · ЗООГИГИЕНА ВОСИТАСИ

HAN-BO'RON

Чивин ва пашшаларга қарши восита

Молхона, қушхона, омбор ва хонадонлар учун



- Тез таъсир қилади
- Таъсири узоқ сақланади
- Ширин аттрактант пашшаларни чақиради
- Ёқимсиз ҳид тарқатмайди

ТАРКИБИ

Таъсир қилувчи моддалар: дельтаметрин 46 г/л + тиаметоксам 94 г/л (суспензия концентрати, Хитой).
Қўшимча: пашшаларни ўзига жалб қилувчи ширин аттрактант. Ўзбекистонда қадоқланган.

ТАЪСИРИ ВА ФОЙДАСИ

- **Дельтаметрин** — тез контакт таъсири, кучли “йиқитувчи” самара ва узоқ қолдиқ фаоллик
- **Тиаметоксам** — неоникотиноидлар гуруҳидан, ошқозон ва контакт орқали таъсир қилади, тез ва узоқ ишлайди
- Иккита модда бирга ишлагани учун ҳашаротларда чидамлилик кам пайдо бўлади
- Чивин, пашша ва бошқа учувчи ҳашаротларга, шунингдек сувараклларга қарши

ҚЎЛЛАШ УСУЛИ

Қути ичида 2 та пакет бор. **Иккала пакет 1 литр сувга солиб аралаштирилади** ва ҳашаротлар кўп тўпланадиган жойларга — деворлар, шифт, дераза ромлари, охур атрофига сепилади. Ишлов берилган юзада таъсири узоқ сақланади. Эритма ишлатишдан олдин тайёрланади, узоқ сақланмайди. Ишқорий моддалар билан аралаштирилмайди.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Ишлов беришда ҳайвон ва паррандаларни чиқаринг, ем, сув ва охурларни ёпинг. Қўлқоп, ниқоб ва ҳимоя кийимида ишланг; ишлагандан кейин қўл ва юзни совун билан ювинг. Кўз ва терига тегмасин. Озиқ-овқат ва ем-хашак яқинида ишлатманг. Асаларилар, ипак қурти ва балиқлар учун хавфли — уя, ипак қуртхона ва сув ҳавзалари яқинида ишлатманг. Болалардан узоқда сақланг.

ҚАДОҒИ	САҚЛАШ	ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ
25 г ± (2 пакет)	Қуруқ, салқин, қуёшдан ҳимояланган жойда, 0–30 °C	3 йил

ТС ва ТУ: 19747032-003:2026

МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ

BEXHAN маҳсулотлари

МАҲСУЛОТ	ГУРУҲИ	ҚЎЛЛАНИЛИШИ	ҚАДОҒИ
Han-V8	Гиёҳли	Иммунитет, нафас йўллари, иштаҳа	500 мл
Табиий гиёҳли настойка	Гиёҳли	Ҳазм, иштаҳа, дам бўлиш	500 мл
Настойка (концентрат)	Гиёҳли	Ҳазм, иштаҳа, газ	50 мл
OKSI Sprey 3,5%	Спрей	Жароҳат, туёқ касалликлари	100 / 200 мл
Балиқ мойи	Озуқа қўшимчаси	A, D витаминлари, ўсиш	100 мл / 1 л
ВИТА-ТОКС (соғин)	Озуқа қўшимчаси	Сут, ичак, микотоксин	1 / 3 / 5 кг
ВИТА-ТОКС (бўрдоқи)	Озуқа қўшимчаси	Вазн ошириш, иштаҳа	1 / 3 / 5 кг
ВИТА-ТОКС (парранда)	Озуқа қўшимчаси	Вазн, тухум, микотоксин	1 / 3 / 5 кг
HAN-BO'RON	Инсектицид	Чивин ва пашшаларга қарши	25 г

Шунингдек, Хитойдан ва 2027 йил февралидан Ҳиндистондан ветпрепаратлар ва агро маҳсулотлар етказиб берамиз. Тўлиқ рўйхат ва нархлар сўровга биноан.

Биз билан боғланинг

Элёрхон Боходиров
Директор, BEXHAN Veterinary
«Боходиров Элёрхон Хасан ўғли» ХК
Косон, Қашқадарё вилояти, Ўзбекистон

Телефон / WhatsApp: +998 91 526 57 87
Телефон: +998 90 876 87 57
Э-почта: elyor.baxodirov@bk.ru
Шахсий почта: elyorbax@mail.ru
Telegram: @agro_vet_koson